

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ХУДУДИЙ ЖИХАТЛАРИ

Валиев Бобур Батирович -
Ўзбекистон Халқаро ислом
академияси доценти, DSc

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда инвестиция самарадорлигини ошириш зарурияти асосланган, ҳудудлар инвестиция салоҳиятига оид илмий қарашлар очиб берилган, инвестиция самарадорлигини баҳолаш усуллари таклиф этилган. Сўнги йиллардаги ҳудудларда инвестиция самарадорлиги ҳолатига баҳо берилган ва инвестицияларни фаол жалб қилишнинг асосий вазифалари аниқланган.

Асосий тушунчалар: инвестиция самарадорлиги, ҳудуд, инвестиция нормаси, инвестиция мультипликатори, ICOR коэффициентлари, иқтисодий салоҳият, ўсиш маркази.

РЕГИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ИНВЕСТИЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Бобур Валиев Батирович -
Доцент Международной Исламской
Академии Узбекистана, DSc

Аннотация: В статье обосновывается необходимость повышения эффективности инвестиций в Узбекистане, раскрываются научные взгляды на инвестиционный потенциал регионов, предлагаются методы оценки эффективности инвестиций. Проведена оценка состояния инвестиционной эффективности в регионах за последние годы и определены основные задачи активного привлечения инвестиций.

Ключевые понятия: инвестиционная эффективность, регион, норма инвестиций, инвестиционный мультипликатор, коэффициент ICOR, экономический потенциал, центр роста.

REGIONAL ASPECTS OF EFFICIENCY IMPROVEMENT OF
INVESTMENTS IN UZBEKISTAN

Bobur Valiev Batirovich -
Assistant professor of International Islamic
Academy of Uzbekistan, DSc

Annotation: The article substantiates the need to increase the efficiency of investments in Uzbekistan, reveals scientific views on the investment potential of the regions, suggests methods for assessing the efficiency of investments. An assessment of the state of investment efficiency in the regions in recent years has been carried out and the main tasks of active attraction of investments have been identified.

Key concepts: investment efficiency, region, investment rate, investment multiplier, ICOR coefficient, economic potential, growth center.

Кириш. Сўнги даврда жаҳон мамлакатларида ҳудудлар иқтисодиёти ўртасидаги номутаносибликлар кучайиб бормоқда. Илғор мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми бўйича ривожланиш даражаси жиҳатидан энг юқори ва энг паст 10 фоизликка кирувчи ҳудудлар ўртасидаги ўртача тафовут ортиб бориб, охириги ўн йилликда 1,7 мартани, ривожланаётган мамлакатларда эса ушбу тафовут айтилган даврда 3,2 мартани ташкил этган. Баъзан иқтисодий салоҳият бўйича мамлакатлар ичидаги ҳудудлар ўртасидаги фарқ мамлакатлар ўртасидаги фарқдан катта бўлмоқда[7]. Ўзбекистон минтақаларида ҳам инвестицион фаолиятни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш ва инвестициялар самарадорлигини ошириш вазифаси долзарб аҳамиятга эга. Шу боис, мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида [1] ва 2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакатни ривожлантириш “Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам алоҳида устувор йўналишлар сифатида ҳудудларда “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, уларни комплекс ривожлантириш тадбирларини ва иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш вазифалари қўйилган. Мамлакатимизда 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717 сон “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702 сон “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” Қарори ва

денти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида [1] ва 2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакатни ривожлантириш “Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам алоҳида устувор йўналишлар сифатида ҳудудларда “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, уларни комплекс ривожлантириш тадбирларини ва иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш вазифалари қўйилган. Мамлакатимизда 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717 сон “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702 сон “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” Қарори ва

бошқа ушбу соҳадаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишининг асосий вазифаларидан бири ҳам ҳудудлар инвестиция салоҳиятини ошириш ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракциялаш, эмпирик, тасвирий статистика, эксперт баҳолаш, гуруҳлаштириш, динамик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Илмий адабиётлар таҳлили. Илмий тадқиқотларда ҳам минтақаларнинг инвестиция салоҳияти масаласига алоҳида урғу берилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз иқтисодчи олими А.М.Содиқовнинг ёндашувига кўра, муайян минтақада инвестиция салоҳияти ундаги табиий-ресурс, ишлаб чиқариш, истеъмол, инфратузилма, инновация, меҳнат, институционал, молиявий салоҳият билан аниқланади [4]. Унинг тадқиқотларида келтирилишича, фақатгина минтақанинг табиий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олибгина капитални жалб қилишдан кутилаётган самарага эришиш ва уни иқтисодиётни жадал ривожлантиришга йўналтириш мумкин. А.М.Марголиннинг фикрича, инвестиция салоҳияти бу маълум даражада тартибланган инвестиция ресурсларининг йиғиндиси бўлиб, улардан фойдаланиш синергизм самарасига эришишни таъминлайди, объектга турли омилларнинг ўзаро биргаликдаги таъсирлашуви натижасидаги самарани таъминлайди. Мазкур таъсир самараси эса омилларнинг объектга алоҳида таъсирлари самараси йиғиндисидан катта бўлади [3]. С.А.Трухин эса инвестиция салоҳиятини меҳнат, истеъмол, ишлаб чиқариш, молиявий, институционал, инновацион, инфратузилма ва табиий-ресурс салоҳиятларини баҳолаш орқали аниқлашни таклиф этади [5]. Бошқа бир иқтисодчи олим Д.Д.Денъгин инвестиция салоҳиятини минтақанинг макроиқтисодий хусусияти сифатида билиб, ўз ичига иқтисодий-географик шароити, ҳудуднинг ишлаб чиқариш омиллари билан тўйинганлиги, аҳоли турмуш даражаси, уларнинг истеъмол талаби каби омилларни қамраб олишини таъкидлайди [2]. К. Гуадалупе и Г. Кастро каби иқтисодчилар эса ўз илмий ишларида Мексика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш салоҳиятига таъсир қилувчи асосий кўрсаткичлар сифатида даромадлар даражаси (жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, реал ўртача иш ҳақи), бозор ҳажми (ЯИМ, аҳоли сони), инсон капиталли (жон бошига тўғри келувчи таълимга давлат харажатлари, таълим даражаси), инфратузилма (жон бошига тўғри келувчи транспорт ва алоқага давлат харажатлари, жон бошига тўғри келувчи стационар телефонлар сони), географик жойлашув (минтақа марказидан пойтахтгача масофа, минтақа марказидан энг яқин чегарадаги чорра-

ҳагача масофа) индикаторларидан фойдаланганлар [6].

Асосий қисм. Инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда инвестиция нормаси, инвестиция мультипликатори, инвестиция акселератори, ICOR коэффиценти, инвестиция қайтими коэффицентидадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур кўрсаткичларни танлашдан мақсад улар инвестицияларнинг ҳажм жиҳатидан миқдорий ўзгаришини эмас, балки уларнинг ўзгариши иқтисодиётга қанчалик самара бера олишини ифодалашга хизмат қилади.

Муайян даврда умумий иқтисодий ўсишнинг худди ушбу даврдаги инвестициялар умумий ўсиш суръатига нисбати инвестицияларнинг самарадорлик даражасини кўрсатади. Шунинг учун муаллиф ҳудудларда ушбу коэффицентни худуд ялпи даромади ўзгаришининг инвестициялар ўзгаришига нисбати билан аниқлашни таклиф этган. Уни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$\text{ҲИМ} = \frac{\Delta\text{ХД}}{\Delta\text{АКИ}} \quad (1)$$

бу ерда ҲИМ - худудда инвестиция мультипликатори, $\Delta\text{ХД}$ - худуд ялпи даромадининг ўзгариши, $\Delta\text{АКИ}$ - худудда асосий капиталга инвестициялар ўзгариши.

Муаллиф томонидан ҳудудлар инвестиция самарадорлигини баҳолашда фойдаланиладиган бошқа яна бир кўрсаткич сифатида ишлаб чиқаришнинг капиталга нисбатан қўшимча харажатларини ифодаловчи ICOR (Incremental Capital-Output Ratio) коэффиценти таклиф этилган [8]. Уни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топиш мумкин.

$$\text{ICOR} = \frac{\text{Инь}/\text{ЯХМ}}{\Delta\text{ЯХМ}/\text{ЯХМ}} \quad (2)$$

бу ерда ICOR - ишлаб чиқаришнинг капиталга нисбатан қўшимча харажатлари коэффиценти, Инв-инвестиция ҳажми, ЯХМ – ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, $\Delta\text{ЯХМ}$ – ялпи ҳудудий маҳсулотнинг аввалги йилга нисбатан ўзгариши. Бу формула асосида айтиш мумкинки, инвестицияларнинг ICOR коэффиценти ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан инвестициялар улушини ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатига нисбати билан ҳисобланади.

Диссертацияда тадқиқотчи томонидан ҳудудларда инвестициялар ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш ва инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини баҳолашда иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси кўрсаткичидан ҳам фойдаланиш йўллари ҳам очиб берилган:

$$\text{ИСФИ} = (\text{ҲИ}/\text{РИ}) / (\text{ЯХМ}/\text{ЯИМ}) \quad (3)$$

бу ерда ИСФИ - худудда иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси, ҲИ - худудда асосий капиталга инвестицияларнинг жорий

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

даврда ҳажми, РИ – республикада асосий капиталга инвестицияларнинг жорий даврда ҳажми, ЯҲМ- ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, ЯИМ – ялпи ички маҳсулот ҳажми.

Мамлакатимизга 2020 йилда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 202 трлн сўмга етиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 91,8%ни ташкил этган ва пасайиш тенденциясига эга бўлган. Ўзбекистон ҳудудларига 2010-2020 йил

лар давомида киритилган инвестицияларнинг иқтисодийга нисбатан кўлами ва самарадорлик даражасини кўрсатувчи инвестиция нормаси, инвестиция мультипликатори, иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси салмоқли юқори бўлган минтақалар қаторидан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Тошкент шаҳри, Сирдарё вилояти каби ҳудудлар жой олган (1-жадвал).

1-жадвал

2010-2020 йилларда Ўзбекистон ҳудудларида ўртача инвестиция самарадорлиги кўрсаткичлари

№	Инвестиция нормаси	Инвестиция мультипликатори		ICOR коэффициенти		Иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси		
Юқори кўрсаткичга эга ҳудудлар								
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	61,2	Бухоро	2,44	Қорақалпоғистон Республикаси	0,56	Қорақалпоғистон Республикаси	2,45
2.	Бухоро	48,3	Қорақалпоғистон Республикаси	1,43	Бухоро	0,48	Бухоро	1,90
3.	Қашқадарё	45,1	Қашқадарё	0,81	Қашқадарё	0,42	Қашқадарё	1,73
4.	Сирдарё	35,2	Тошкент вил.	0,80	Сирдарё	0,31	Сирдарё	1,36
5.	Тошкент ш	35,2	Тошкент ш	0,67	Тошкент ш	0,30	Тошкент ш	1,35
Ўртача кўрсаткичга эга ҳудудлар								
6.	Навоий	32,5	Республика	0,63	Навоий	0,28	Навоий	1,25
7.	Жиззах	30,9	Андижон	0,61	Жиззах	0,26	Жиззах	1,19
8.	Наманган	28,7	Самарқанд	0,57	Республика	0,23	Наманган	1,09
9.	Сурхондарё	28,0	Фарғона	0,55	Наманган	0,24	Сурхондарё	1,06
10.	Республика	25,9	Наманган	0,43	Сурхондарё	0,24	Тошкент вил.	0,95
11.	Тошкент вил.	24,6	Сурхондарё	0,40	Тошкент вил.	0,22	Хоразм	0,94
Нисбатан паст кўрсаткичга эга ҳудудлар								
12.	Хоразм	23,9	Сирдарё	0,39	Самарқанд	0,21	Самарқанд	0,92
13.	Самарқанд	23,4	Жиззах	0,33	Хоразм	0,21	Фарғона	0,79
14.	Фарғона	20,3	Навоий	0,31	Фарғона	0,18	Андижон	0,67
15.	Андижон	17,4	Хоразм	0,29	Андижон	0,16		

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Мазкур ҳудудларда инвестиция самарадорлиги юқори бўлиш билан бирга ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими ҳам катта бўлгани учун уларнинг ICOR коэффициенти ҳам баланд бўлган. Андижон, Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятларида эса сўнгги ўн йилликда инвестиция фаоллиги паст бўлгани сабабли уларда инвестиция нормаси 17,4-23,9 қийматга эга бўлган.

Инвестиция мультипликатори билан тавсифланувчи инвестициялар иқтисодий самарадорлиги эса Хоразм, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида нисбатан паст бўлган. 2010-2020 йилларда Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятлари эса ўз иқтисодий кўламига мос равишда инвестициялар жалб қила олмаганлар. Андижон, Фарғона, Хоразм ва Самарқанд вилоятларига ўзлаштирилаётган инвестициялар асосан меҳнат сиғими юқори тармоқларга йўналтирилган.

2010-2019 йилларда ўрта ҳисобда мамлакатимизга жалб қилинган асосий капиталга инвестицияларнинг 52,7% тўртта ҳудуд - Тошкент

шаҳри, Қашқадарё, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Ҳудудлар орасида пойтахт Тошкент шаҳри мамлакат иқтисодийга ўзлаштирилган инвестициялар таркибида энг катта улушга (айтилган даврда ўртача 19,7 %) эга бўлиб, ушбу кўрсаткич 2010-2013 йилларда 20,6 %, 2014-2016 йилларда 17,6 %, 2017-2019 йилларда 20,7 %га етган. Ваҳоланки 2010-2019 йилларда Тошкент шаҳри мамлакат аҳолисининг ўртача 7,7 %ни, республика ялпи ичи маҳсулотининг эса ўртача 14,7%ни эгаллаган. Бу эса мамлакатга ўзлаштирилаётган инвестициялар пойтахтнинг иқтисодий кўлами ва аҳолиси сонига нисбатан каттароқ улушга эга эканини кўрсатади. Айтилган даврда Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари ҳам мос равишда республика иқтисодийнинг 7,7% ва 5,6 %ни, аҳолининг эса 9,5 % ва 5,8 % ташкил этсада, уларга ўзлаштирилган инвестициялар республикага ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 13,1 % ва 10,5 %ни ташкил этмоқда.

2019 йилда инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таркибида 29,3 % ёки

55,6 трлн. сўм маблағ корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз ресурслари ҳисобига, манбаларнинг 70,7% ёки 134,3 трлн. сўмдан ортиқ қисми эса жалб қилинган маблағлар ҳисобига таъминланди.

Айтилган йилда давлат ташаббуси ва таъсири остида бўладиган марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан деярли 50,7 трлн. сўмлик инвестициялар молиялаштирилди ва бу жами инвестицияларнинг 26,6 %ни ташкил этди. Инвестицияларни жалб қилишда хусусий сектор ташаббускорлигининг ортиши ҳисобига марказлашган инвестицияларнинг 2019 йилдаги улуши аввалги йилга нисбатан 5,5% пунктга камайди.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан хулоса қилиб, Ўзбекистон минтақалари инвестиция салоҳиятини ошириш ва инвестиция самардорлигини яхшилаш юзасидан бир қатор тавсияларни бериш мумкин. Мамлакатимизда оқилона инвестиция сиёсатини олиб бориш ва ҳудудларга инвестицияларни фаол ўзлаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда дастлабки босқичда узоқ муддатга мўлжалланган Минтақавий сиёсат умумреспублика концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур умумреспублика концепцияси эса алоҳида минтақалар доирасида узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқишда устувор йўналишлар ва асосий мақсадларни аниқлашга асос бўлади. Кейинги босқичларда эса минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциялари асосида ҳудудлар инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Минтақавий сиёсат умумреспублика концепциясини ишлаб чиқиш ва инвестиция самардорлигини оширишда қуйидаги асосий вазифаларни қамраб олиш зарур деб ҳисоблаймиз:

✓ мамлакат минтақаларининг иқтисодий салоҳияти ва замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда улар таркибида доимий равишда “ўсиш марказлари” ва “ортда қолаётган ҳудудлар”ни ажратиб бориш;

✓ “ўсиш марказлари” ҳисобланган минтақалардан периферия ҳудудлари ва узоқ қишлоқ жойларга янгиликлар ва инновациялар фаол диффузиясини таъминлаш учун барча шароитларни яратиш;

✓ ривожланган минтақалар ва ортда қолаётган ҳудудларни ўзаро боғловчи замонавий транспорт корридорлари тизимини шакллантириш;

✓ “ўсиш марказлар”ида шаклланган алоқа тармоғини ортда қолаётган ҳудудларда давом эттириш ва ривожлантириш;

✓ республиканинг ривожланган минтақалари ва тараққиётдан орқада қолаётган ҳудудлари ўртасида ўзаро ишчи кучи ва меҳнат ресурслари эркин ҳаракатини таъминлаш;

✓ ривожланган ҳудудларда фаолият юртаётган олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, “ақл” марказларининг ривожланишдан ортда қолаётган ҳудудларда филиалларини очишни рағбатлантиришнинг самарали механизминини яратиш;

✓ ишлаб чиқариш, истеъмол, меҳнат, институционал ва инновация салоҳияти юқори бўлган ҳудудлар имкониятларидан минтақалараро қўшма ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари орқали ортда қолаётган минтақаларда самарали фойдаланишни таъминлаш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси.* <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. *Деньгин Д.Д. Региональный инвестиционный потенциал: пути изучения и проблемы использования // Экономический журнал. 2009. Т. 16. № 2. С. 50–56.*
3. *Марголин А. М. Экономическая оценка инвестиций. М., 2001. С. 357–359.*
4. *Садыков А.А. Основы регионального развития: теория, методология, практика//Монография. Ташкент. «IQTISOD-MOLIYA», 2005. С. 198 – 201.*
5. *Трухин С.А. Оценка инвестиционной привлекательности и инновационного потенциала региона (на примере Алтайского края) // Ползуновский Вестник. 2006. № 3-1. С. 200–203.*
6. *Carmen Guadalupe Juárez Rivera, Gerardo Ángeles Castro Foreign direct investment in Mexico Determinants and its effect on income inequality // Contaduría y Administración. 2013. Vol. 58. № 4. P. 201–222.*
7. <https://blogs.imf.org/2019/10/09/widening-gaps-regional-inequality-within-advanced-economies/>
8. http://en.wikipedia.org/wiki/Incremental_capital-output_ratio, <http://www.investopedia.com/terms/i/icor.asp>